КАТТА ҚОНЧҮП (CHELIDONIUM MAJUS L.) ЎСИМЛИГИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИ ШАРОИТИДАГИ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ачилова Ш.С.
“Шарқ табобати” илмий-тадқиқот институти,Тошкент шаҳри,Ўзбекистон республикаси. E-mail:achilovashirin16@gmail.com. tel.+998979220016
https://doi.org/10.5281/zenodo.19435560

Долзарблиги. Доривор ўсимлик турлари самарали дори воситаларини ишлаб чиқаришда қимматли хом ашё сифатида қўлланилади. Шу боис, республикамизда доривор ўсимлик турларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида уларни маданий ҳолда етиштириш, ассортиментини бойитиш ва доривор хом ашё ишлаб чиқаришни кескин ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022-йилнинг 20-майида қабул қилинган ПҚ-251 сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида қимматли доривор ўсимлик турларининг маданий плантацияларини барпо қилиш мақсадида 2022-2026-йиллар давомида республика бўйича 42310 га, шу жумладан Самарқанд вилоятида 4493 га ер майдонларини ажратиш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу қарорда белгилаб берилган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда Ўзбекистон табиий флорасида деярли учрамайдиган, лекин ривожланган мамлакатлар фармакопеясига киритилган доривор ўсимлик турларини маҳаллий шароитларда ўрганиш ва уларни кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш йўналишларидаги тадқиқот ишлари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Катта қончўп (*Chelidonium majus L.*) ўсимлигининг Самарқанд вилояти суғориладиган ерлари шароитида биологик хусусиятларини ўрганиш асосида уни маданий ҳолда етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Усул ва услублар. Тадқиқотлар манбаи бўлиб Германия давлатидан олиб келинган *Chelidonium majus L.*ўсимлиги уруғлари хизмат қилди. Лаборатория ва дала тажрибаларини олиб боришда ўсимликлар интродукцияси, уруғшунослиги, дала тажрибаларини олиб боришда умум қабул қилинган услублардан фойдаланилди (Қаршибоев ва бошқ., 2008; Леурда, Бельских, 1974; Доспехов,1979).

Натижалар: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, янги ўсиш шароитида *Chelidonium majus L.*ўсимлиги тўлиқ вегетация даврини ўтаб, юқори сифатли уруғлар хосил қилади. Маҳаллий шароитда ҳосил бўлган уруғларининг 1000 донаси массаси 0,5 г ни, лаборатория шароитидаги унувчанлиги 91,4-93,0% ни, дала унувчанлиги 17,7-24,5% ни ташкил қилади. Ўсимликнинг бўйига ўсиш кўрсаткичлари турли йилларда 55-66,5 см га етиб, ҳар бир тупида ўртача 13-18 донадан генератив новдалар ривожланади. Ўсимликнинг уруғ махсулдорлиги ёшига қараб кўпайиб боради: вегетациясининг 1-йилида ўртача 374 дона/туп, 2-йилида 4167 дона/туп, 3-йилида эса 7141 дона/туп уруғ ҳосил қилиши аниқланди.Ўсимликнинг доривор хом ашёси сифатида унинг гуллаш давридаги ер устки фитомассаси ва илдизлари ишлатилади. Агарда ўсимликларни 60 х 40 см схемада жойлаштирилганида, 1 га ердан икки марта ўриб олишда 1469 кг, 1 марта ўриб олишда 7523 кг ва қишлов даврида 1329 кг қимматбаҳо доривор хом ашё ҳосилини

олиш мумкин. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари *Chelidonium majus L.* ўсимлигини маҳаллий шароитларда мувоффақиятли етиштириш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хулосалар: Тадқиқот натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон табиий флорасида учрамайдиган *Chelidonium majus L.* ўсимлигини маҳаллий шароитларда етиштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, ўсимликни етиштириш орқали юқори самарадорликка ҳам эришиш мумкин. Чунки, ўсимликнинг 1 кг кўк массаси баҳоси чакана нархларда ўртача 40 минг сўм бўлиб, 1,0 га ерда ўртача 1300-7523 кг доривор хом ашё етиштириб, гектаридан 52-300,1 млн. сўмлик махсулот ишлаб чиқариш мумкин.